

Одобус Сиём

Муаллиф доктор Сулаймон ибн Муҳаммад ан Нисён

Таржимон

Саҳвий

Кириш:

Бу кичик рисола доктор Сулаймон ибн Муҳаммад ан Нисён қаламига мансубдир. Унинг номи, (Одобус Сиём) «Рўзанинг одоби» деб номланади. Бу рисолада рўзадор учун вожиб бўлган 6 та ва мустаҳаб бўлган 3 та одоб зикр қилинади. Гарчи бугунги кунда интернетда рўзага доир ўзбек тилида қатор рисолалар мавжуд бўлсада, мен бу рисолаани Аллоҳнинг мадади ила ўзбек тилидаги ўқувчиларга етказишни мақсад қилдим. Бу билан оз бўлсада, ўзбек мусулмонлари учун бир манфаатли иш қилиб, ажрга эга бўлишни мақсад қилдим. Рисоладаги хатою камчиликлар бўлса Аллоҳдан авф сўрайман. Ва бу амални ўқувчилар учун ва муаллиф ва таржимон учун ҳам манфаатли бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламан. Қуръони Карим оятларини ўзбек тилидаги мазмуни шайх Муҳаммад Содиқ таржимасидан олинди. Китоб таржимаси 2017 йил 24 майда тугатилди. Аллоҳу Таоло Ўзи рози бўладиган амалларни қилишимизга Ўзи тавфиқ берсин! Омин.

Таржимондан.

Одобус Сиём

Рўза тутишдан мақсад фақат оч ва ташна юришлик эмас, мақсад шаҳватларни кесиш ва нафсни тийиш ва бунинг натижасида мусулмон кишининг шу кунги ҳаётида ўзгариш бўлиши ва рўзадорни улуғ ишларга тайёрлашлиқдир.

Бу ерда рўзадор учун зарур амалларни топамиз. Буларсиз рўза мукаммал бўлмайди.

Булар 2 қисмга бўлинади: Биринчиси, рўзадор учун амал қилиши вожиб бўлган амаллардир. Иккинчиси, рўзадор учун амал қилиши мустаҳаб бўлган амаллардир.

Рўзадор учун вожиб бўлган одоблар

1 Одоб: Рўзадор одам ёлғон сўздан тийилиши.

Ёлғон бу воқеъликка мувофиқ бўлмаган хабардир. Бу ҳаётдаги барча шахсий ва оммавий нарсаларга тегишлидир. Бу амал ҳар доим ҳам ҳаромдир. Рамазонда эса ҳаромроқ бўлади. Кизбни ҳаромлигига кўп далиллар келган. Бу ерда биттасини келтириш kifоядир. Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Тўғри сўз яхшиликка элтади. Яхшилик эса жаннатга элатади. Киши тўғри сўзлаб охири содиқлар сафидан ёзилади. Кизб ёмонликка элтади. Ёмонлик эса дўзахга элтади. Киши ёлғон сўзлаб охири козиблар сафидан ёзилади.

Бухорий ва Муслим ривояти.

2 Одоб: Ғийбатдан тийилишлик

Ғийбат киши бошқа мусулмон биродари ҳақида унга ёқмайдиган нарсани гапирилишидир. Бу гапирилган гап унинг хулқига тегишли бўладими ёки жасадига тегишлими фарқи йўқ. У айтган сифат унда мавжуд бўладими йўқми фарқи йўқ. Қуйидаги далиллар шунга далолат қилади.

Аллоҳу Таоло айтади: Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир.

(Ҳужурот сураси 11 оят)

Қарагин эй биродар бу қай суратда баён қилинмоқда? Инсон инсон гўштини ейди. Бу инсон унинг биродаридир. Яна бу инсон ўлгандир. Ҳа кўзлар кўр бўлмайди ва лекин кўкракдаги қалблар кўр бўлади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «Ғийбат нима биласизми? Деб сўрадилар. Аллоҳ ва Унинг расули билувчидир дейишди. «Биродаринг ҳақида унга ёқмайдиган гапларни гапиришингдир» дедилар. Ўша айтганларимиз шу биродарда мавжуд бўлсачи? Деб сўрашди. «Агар айтганларинг унда мавжуд бўлса, уни ғийбат қилган бўлсаиз. Ва агар унда шулар мавжуд бўлмаса, унда унга бўҳтон қилган бўласиз» дедилар.

(Муслим ривояти 2589 сонли ҳадис)

Ғийбат қилиш ҳар бир замон ва маконда ҳаромдир. Лекин рўзада ғийбат қилиш ашаддий ҳаромдир.

3 Одоб: Чақимчиликдан тийилишлик

Бу дегани одамлар орасини бузишлик учун гап ташишдир. Бу шахслар учун ҳам жамият учун ҳам фасод келтиради. Бу амал ҳар доим ҳам ҳаромдир. Рамазонда ҳаромроқ бўлади. Бунга далил Аллоҳу Таоло айтади:

Ҳар бир қасамхўр, пасткашга. Кишиларни айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига итоат қилма! (Қалам сураси 10, 11 оятлар)

Хузайфа разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг «Чақимчилар жаннатга кирмайди» деганларини эшитдим дедилар.

Бухорий ва Муслим ривояти.

4 Одоб: Барча муомалада ғиллу ғашликдан сақланиш

Савдода, ижара беришда, ишлаб чиқаришда, ва рўзадор ўз атрофидаги жамиятнинг барча табақаси билан қиладиган барча муомала ва муносабатларда ғиллу ғашликдан сақланиш. Албатта ғиллу ғашлик ва хиёнат фитна уруғини қадайдди. Шахслар ва жамиятларни ажратади. Ҳадиси шарифда бундан қайтарилган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «Кимки бизга ғашлик қилса, Биздан эмасдир» деганлар.

(Имоми Муслим ривояти)

Рўза пайтида бунинг ҳаромлиги каттароқ бўлади.

5 Одоб: Рўзадорнинг ёлғон сўз ва ёлғон гувоҳлик беришдан сақланиши

Ҳадиси шарифда келганки, бу амаллар рўзани бекор қилади. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «кимки ёлғон сўздан ва унга амал қилишдан тўхтамас экан, унинг таом ейиш ва сув ичишдан тийилганига Аллоҳу Таолонинг ҳожати йўқдир.» деганлар.

Имоми Бухорий Ривоят қилган.

6 Одоб: Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан кўзни тиймоқлик

Чунки, бошқа аъзолар каби кўзнинг ҳам рўзаси бор. Унинг рўзаси ҳаромдан тийилмоқликдир.

Аллоҳу Таоло айтади: Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қиладиганларидан хабардордир. Сен мўминаларга айт: Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли). Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар. Зийнатларини кўрсатмасинлар.

(Нур сураси 30, 31 оятлар)

Кимки нафсини қарашдан тиймаса ва рамазон вақтини ҳурматини тутмаса ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсага назар солишда давом этса, бу унинг учун дунё ва охирада зарар бўлади.

Шоир бу шеърида тўғри айтган:

Қачон кўз қиримни ташлаган эдим,
Кўзим унга боқиб бақрайиб қолди.
Энди менда на сабр ва на қудрат бор,
У қўлимдан барча ихтиёримни олди.

Савол: Шундай ҳаром амални қилган киши рўзасини очадими?

Жавоб: Шундай ҳаром амални қилган киши гуноҳкор бўлади. Лекин, рўзасини давом эттиради.

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Кизб, ғийбат ва чақимчилик амалини қилган рўзадор тўрттала мазҳаб имомлари наздида рўзасини очмай давом этади. Имоми Аҳмад мазҳаби бунга ихтилоф қилган бўлсада, бошқа имомлар мазҳабида рўзаси очилмайди.

Изоҳ: Бу дегани у кишининг рўзаси худди еб ичиб қўйган одамнинг рўзаси каби очилган бўлмайди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтлар «Рўзадорнинг рўзадан оладиган улуши очлик ва ташналиқдир»
Агар бирор кимсада шундай гуноҳ содир бўлиб қолса, у рўзасини давом эттиради. Бу масалада ҳам имомлар орасида ихтилофлар бор. Баъзилари рўзаси очилади дейишган. Яъни, рўзадан истаган мақсади ҳосил бўлмайди деганлар. Савобидан маҳрум бўлади. Аммо, рўзаси очилади деганлар уни худди рўзани тарк этган киши каби бўлади деганлар. Аммо, бу сўз бошқа имомлар фикрига зиддир.

Эслатма:

Рўзадор учун агар уни биров сўкса ва уришса «мен рўзадорман» деб айтишлиги ҳадисда зикр қилинди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «Рўза (дўзахдан) қалқондир. Унда фосиқлик қилманг ва жоҳиллик қилманг. Агар унга биров сўкса ё урушса икки марта «мен рўзадорман» деб айтсин» деганлар.

Имоми Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

«Мен рўзадорман» деган сўз қандай айтилиши устида ҳам уламолар ихтилоф қилишган. Биринчи қавлга кўра: Рўзадор буни тили билан овоз чиқариб айтади. Сўкаётган ва уришаётган киши эшитиб тўхтатиши учун. Иккинчи қавлга кўра: Рўзадор буни овозсиз секин айтади. Ўзига ўзи рўзадорлигини эслатиб қўйиш учун. Учинчи қавлга кўра: Агар бу рўза фарз рўза бўлса, унда тили билан овоз чиқариб айтади. Агар бу рўза нафл рўза бўлса, унда махфий айтади. Бунга сабаб агар бу нафл рўза бўлса риёдан узоқроқ бўлиши учун дейилди.

Шайхулислам Ибн Таймийя айтадилар: Ҳадиснинг мазмунига кўра овоз чиқариб айтишлик тўғрироқдир. Бу аниқ бир калимадир ва у тилсиз айтилиши имконсиздир. Калом бошқалар эшитадиган сўздир. Тили билан «мен рўзадорман» деса, унинг раддия қилишдан тўсаётган узри аён бўлади. Тажовуз қилаётганга ҳам бир эслатма бўлади.

(Минҳожуссунна асаридан 5 жуз 197 саҳифа)

Ва яна унинг сўзларидан, агар рўзадорни сўксалар у тили билан «мен рўзадорман» дейиши жоиздир. Бу рўзаси фарз рўзами ёки нафлми фарқи йўқ.

(Ал ихтиёрот китоби 108 саҳифа)

Рўзадорнинг «Мен рўзадорман» деб овоз чиқариб айтишида 2 та фойда бордир:

1. Фойда: «Мен рўзадорман» деганда, сўкилаётган киши сўкаётган кимсага қарши туришга ожизлиги сабабли эмас, балки рўзадорлиги сабабли қарши турмаётгани маълум бўлади. Чунки, ожизлиги сабабли қарши турмаётган бўлса, бошқалар олдида шарманда бўлиши мумкин.

2. Фойда: Бу билан сўкувчига рўзадор одам бировни сўкмаслигини эслатиб қўяди. Нимагаки, у сўкувчи ҳам рўзадор бўлиши мумкин ва икки рўзадор ҳам рамазонда сўкишишдан эҳтиёт бўлмоқлари лозим.

Рўза тарбия мадрасасидир. Ювошликни, сабрни ва сидқни (тўғрисўзлиликни) таълим беради. Макоримул ахлоқни ва сўз ва амалларнинг яхшисини ҳис қилдиради. Рўзадор сўкмайди ва беҳуда ва ёлғон гапирмайди ва ғазаб қилмайди. Алдамайди ва ваъдага хилоф қилмайди. Амалларни вақтидан кечиктирмайди. Унинг тили зикрда ва сукут қилганда қалби фикрда бўлади. Рўзанинг вақти ҳам қисқадир.

Агар киши шу қисқа муддатни ҳам шу каби рўзанинг савобига таъсир қилувчи ва ҳақиқатини кетказувчи нарсаларга сарф қилса адашган бўлади.

Рўзадор учун Мустаҳаб бўлган одоблар

1 Одоб: Саҳарликни кечиктириш

Бунинг бир қанча турлари қуйида зикр қилинади.

1. Тури: Сухур сўзи маъноси: Ас сухур калимаси мазмуни туннинг охирида ейиладиган таомдир. Шундай деб номланишига сабаб, бу иш саҳар вақтида содир бўлади.

2. Тури: Саҳарликнинг ҳукми. Саҳарлик қилиш рўзадор учун суннати муаккададир.

Бунга далиллар: Анас Ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам «Саҳарлик қилинглар, чунки, саҳарлик баракотдир» дедилар.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Амр ибн ал Ос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «бизнинг рўзамиз билан китоб аҳлининг рўзаси орасидаги фарқ саҳарлик қилишлиқдир» дедилар.

Муслим ривояти.

Саҳарлик қилувчилар учун саҳарликни ибодат бўлиши учун, Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрганлари каби, тақво қилиш учун ният қилишлари лозимдир.

3. Тури: Саҳарлик вақти. Саҳарлик вақти масаласи ҳақида олдинроқ айтиб ўтилди. Такрорлашга ҳожат йўқ.

4. Тури: Саҳарликнинг миқдори. Киши саҳарда бирорта егулик еса ва ёки ичимлик ичса саҳарлик қилганга бўлади. Саҳарликка махсус таом белгиланмаган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «Ҳа, мўминнинг саҳарлиги хурмодир» дедилар.

Абу Довуд, Ибн Ҳуббон, Байҳақий ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган.

5. Тури: Саҳарликда баракотлар ва кўп манфаатлар бордир.

1. Саҳарликнинг баракоти сабабли ибодатда қоим бўлишлик. Тонги намоз, қироат ва зикр каби ибодатларни чиройли адо қилиш. Оч одам ибодатни қоим қилишда заифлик қилади. Кун бўйи қиладиган ибодатларга заифлик қилгани каби. Бу саҳарликнинг махсус фойдаларидандир.

2. Саҳарликнинг баракоти туфайли очлик туфайли пайдо бўладиган ёмон хулқлардан холи бўлади. Саҳарлик нафсни поклайди. Муомалани чиройли қилади.

3. Саҳарликнинг баракоти туфайли рўзадорда рўзанинг машаққатлари енгиллашади уни безитиб қўймайди ва рўза тутишга рағбат пайдо бўлади.

4. Саҳарлик қилган киши суннатга эргашган бўлади. Агар у ниятини Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрганлари каби ният қилса ва амалларда унга эргашса бу саҳарлиги ибодат ҳисобланади. Унга шу нияти учун савоблар ёзилади. Агар рўзадор еб ичишда бу таом унинг рўзаси учун ва ибодатлари учун қувват бўлишини ният қилса бунга ҳам савоблар олади.

5. Саҳарликнинг баракоти киши туннинг охирида зикр, намоз ва дуо қилиш учун уйғонади. Бу дуолар ижобат бўладиган вақтдир. Ва Аллоҳ ва Унинг малоикалари саҳарлик қилувчиларга саловотлар айтадиган вақтдир.

6. Саҳарликнинг баракоти у китоб аҳлига хилоф қилган бўлади. Мўмин кишидан уларга ўхшамаслик талаб қилинади. Амр ибн ал Ос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «бизнинг рўзамиз билан китоб аҳлининг рўзаси орасидаги фарқ саҳарлик қилишлиқдир» дедилар.

Муслим ривояти.

7. Саҳарликнинг баракоти у туфайли киши фажр намозини жамоат билан ўқийди. Шу сабабли рамазонда фажр намозига жамоатга чиқувчилар сони бошқа ойларга қараганда кўпаяди. Сабаби улар саҳарликка турган бўлишади.

Мўмин киши учун саҳарликка туриши лозимдир. Уйқу ғолиб бўлиб саҳарликни тарк этмаслик керак. Саҳарликка Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрганлари каби, енгил ва нафси тоза бўлиб, яхши амалларни қилишга ҳарис бўлиб туриши лозим. Чунки, Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳарлик қилишни таъкидлаганлар ва шунга буюрганлар. Ва уни мўминлар рўзасининг шиори эканлигини ва китоб аҳлининг рўзасидан фарқи шу эканлигини баён қилганлар. Ва уни тарк этишдан қайтарганлар.

6. Тури: Саҳарлик лаҳзаси. Саҳар вақти мўмин киши ғанимат билмоғи лозим бўлган вақтлардандир. Дангасалик ва уйқу ва ғафлатда ўтказиб юбормаслиги керак. Бу вақт Илоҳнинг (Дунё осмонига) нузул қилиш вақтидир. Бу вақтни ғанимат билувчилар Аллоҳнинг қудрати ва буюклиги билан раҳматига лойиқ бўладилар. Буни тасдиқловчи қатор далиллар бор.

Аллоҳу Таоло айтади: (Улар) Сабр қилувчилар, содиқлар, доимий тоат қилувчилар, нафақа қилувчилар ва саҳарда истиғфор айтувчилардир.

(Оли Имрон 17 оят)

Аллоҳу Таоло айтади: Ва улар саҳарларда истиғфор айтувчилардир.

(Зариёт сураси 18 оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ҳар кечанинг учдан бири қолганда Аллоҳу Табораку ва Таоло дунё осмонига тушади ва «Дуо қилувчи борми, Мен қабул қиламан, Тилак тиловчи борми, тилаганини бераман, истиғфор айтувчи борми, Мен уни мағфират қиламан» дейди.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан «Кечанинг ичида бир соат борки, у пайтда қайси мусулмон киши Аллоҳу Таолодан дунё ва охират хайриятини сўраса албатта беради. Ҳар бир кечада шундай соат бордир» деганларини эшитдим.

Муслим ривояти.

Бу ва бошқа далиллар туннинг охирги қисмида дуо қилиш ва истиғфор айтиш ва тилак тилашнинг фазилатли эканлигини ва бу вақтнинг шариф вақтлигини билдиради. Бу пайтда қилинадиган дуо агар шартлари асосан қилинса ва монеъликлар бўлмаса албатта қабул қилинади. Чунки, Аллоҳу Таоло шу пайтда дуо қилганни дуосини қабул қилишга ва тилак тилаганни тилагини беришга ва истиғфор айтувчини кечиришга ваъда берди.

Ибн Баттол раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Бу вақт шариф вақт ва унга рағбат қилинадиган вақтдир. Аллоҳу Таоло (дунё осмонига) нузулини шу вақтга хос қилди. Ва бандаларининг дуоларини шу вақтда ижобат қилишини ва тилак тилаганни тилагини беришни ва истиғфор айтувчини кечиришни ни шу вақтга хослади. Чунки, бу вақт ғафлат ва хилват вақтидир ва уйқуга фарқ бўладиган вақтдир. Лаззат оладиган вақтдир. Бу вақтни уйғоқ ўтказиш одамлар учун оғирдир. Бу вақтда кимки Роббисига муножот ва тавба тазарру қилиш учун турса, бўйнини дўзахдан озод қилади. Бу вақтда тавба қилаётган одам тўшагидан ўзини узоқ тутиб нафсини лаззатидан тийиб туриши унинг ниятини холислигига Роббиси олдиға рағбатини холислигига далилдир. Шу сабабли ҳам Аллоҳу Таоло бандани шу вақтда дуо қилишга илҳомлантирди. Бу вақтда нафслар дунё хавотирларидан холи бўлади. Банданинг Роббисига ихлос қилишда жидду жаҳд қилишига қулай пайтдир. Аллоҳу Таолонинг бандаларининг дуоларини ижобат қилиши бу уларга унинг меҳрибонлигидан ва раҳматидандир. Унга доимий ҳамду санолар бўлсин! Ва бандаларининг ислоҳига илҳомлантирган ва уларни ўзларига манфаатли бўлган амалларга чақирган учун Унга кўп шукрлар бўлсин. Ундан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ. У Зот Карамли ва кўп ато қилувчидир.

(Ибн Баттолнинг «шарҳи Бухорий» асаридан)

Бу муборак кечаларнинг ҳар бирида мўминлар учун дуолари ижобат бўладиган бир соат бор. Илоҳий нузул ва сужуд вақти ҳам шудир. Вақтларнинг яхшиси рамазондир. Бу умматнинг салафи солиҳлари Набийлари саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашиб кечалари таҳажжуд ўқишни касб қилишганди. Нафақат рамазонда балки, бошқа вақтларда ҳам. Агар инсон рамазон кечаси саҳарликка турса, еб ичишдан олдин зикр ва дуо ва тиловати қуръон ва намоз учун етадиган вақт қолдирсин.

Қалби хотиржам туриши учун ва Роббиси олдида ўзини ҳисоб китоб қилиши учун ва намоздаги хушуъини ва ихлосга бўлган интилишини мукаммал қилишга етадиган вақт қолдирсин. (Яъни, шуларни қилиб кейин овқатланишга вақт етадиган бўлсин. Таржимондан.)

2. Одоб: Ифторни тезлатиш

Бу масалада бир неча турли сўзлар бор.

1. Тур: Ифторни тезлатиш. Рўзадор учун агар қуёш ботганига ишонч ҳосил қилгач ифторни тезлатишлиги мустаҳабдир. Ёки, озон овозини эшитганига гумони ғолиб бўлса ифторлик қилиши керак. Чунки, муаззин куннинг ботишига диққат қилувчи шахс бўлади. Озон овози кун ботганига ишорадир. Бунга қатор далиллар бор. Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар «Агар одамлар фитрни тезлаштирар эканлар яхшиликдан маҳрум бўлмайдилар»

Бухорий ва Муслим ривояти.

Ифторни тезлатиш Наби саллоллоҳу алайҳи васалламга эргашмоқликдир. Абдуллоҳ ибн Убай Авфий разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Биз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда бирга эдик ва у киши рўзадор эдилар. Қачонки қуёш ботгач, бировга қараб, эй фалон, тур бизни суғоргил дедилар. У киши ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, агар кечиктирсангиз (яхши эди) деди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, туш ва бизни суғоргил дедилар. У (яна) ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, агар кечиктирсангиз (яхши эди) деди. (Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, яна) туш ва бизни суғоргил дедилар. У (киши) ҳали кундуз куни каби ёруғку? деди. (Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, яна) туш ва бизни суғоргил дедилар. У тушди ва уларга сув идишни узатти ва Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам ичдилар ва агар бу тарафдан кеча (қоронғулиги) юзланганини кўрсангиз рўзадор рўзасини очсин дедилар.

Бухорий ва Муслим ривояти.

2. Тур: Рўзадор нима билан оғиз очиши мустаҳаб?

Рўзадор хурмо билан ифторлик қилиши мустаҳабдир. Агар хурмо бўлмаса, сув билан очади. Бунга далил Анас разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисдир.

Анас разияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқишдан олдин ҳўл хурмо билан оғиз очардилар. Агар ҳўл хурмо бўлмаса, қуруқ хурмо билан (оғиз очардилар). Агар қуруқ хурмо ҳам бўлмаса, бир неча қултум сув ичардилар”.

(Абу Довуд ривоят қилган. 2356 ҳадис)

Хурмо топилмайдиган мамлакатларда бирорта бошқа ҳўл мева билан очса ҳам бўлади. Ибн Қайюм раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Наби соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизни ҳўл хурмо билан ва қуруқ хурмо билан ва сув билан очардилар. Бу ерда нозик бир тадбир мавжуддир. Рўзадорнинг ошқозони овқатдан холи бўлади. Жигар унда аъзоларга қувват берадиган нарсаси топмайди. Ҳўл мева жигар учун севимли ва унга тезда етиб борадиган неъматдир. Ҳўл хурмодан бошқа мева бўлса ҳам бўлаверади. Бу мева жигарга тез етиб боради ва унда қувватни тиклайди. Агар хурмо мавжуд бўлмаса, унда сув ичишлиги ҳам рўзадорнинг ҳароратини босади ва ошқозонини ташналигини қондиради. Кейин таом қабул қилишга тайёр бўлади ва уни иштаҳа билан ейди.

(Зодул Маод асари 4 жилд 313 саҳифа)

Ифторликда турли хил таомлар ва ичимликларни еб ичишлик жоиз эмас. Бу иш Наби соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятларига зиддир. Бу амал шом намозини жамоат билан ўқишдан машғул қилиб қўяди. Ҳатто намоз вақтининг камлигидан уни фавт қилиб қўйиши мумкин.

Ибн ал Арабий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Наби соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шом намоздан олдин, намоздан машғул қилиб қўймаслиги учун энгил нарсаси билан оғиз очардилар. Бундай қилишда учта фойда бордир. Ифторни тезлаштиради. Намоз учун фориғ бўлиш. Ибодат билан ибодат орасини ажратишлик. Бу икки ибодат ораси унинг нафси учундир. (Яъни, рўзадор шом ва хуфтон орасида еб ичади. Таржимондан)

(Оризатул Аҳвазий китоби 3 жилд 215 саҳифа)

3. Тур: Ифторлик олдидан дуо қилиш. Рўзадор учун ифторлик олдидан истаганча дуо қилиши мустаҳабдир. Чунки, бу вақт дуолар ижобат бўладиган вақтдир. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Рўзадорнинг ифторлик олдидаги дуоси рад қилинмайди. Ибн Абу Мулайка айтади: Абдуллоҳ ибн Умар (разияллоҳу анҳу) дан эшитдимки, У ифторлик қилиш олдидан «Аллоҳумма инни асъалука бироҳматика, аллати васиъат кулла шайъ, ан тағфира ли» деб дуо қилди.

(Маъноси: Эй Аллоҳим, Мен Сенинг барча нарсадан кенг раҳматинг билан мени мағфират қилмоғингни сўрайман)

Ибн Можжа, Табароний, Байҳақий ва Ҳоким ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган яна бир ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифторликда «Заҳаба замау вабталлатал уруку. Ва сабатал ажру иншааллоҳ» дер эдилар дейилади. (Маъноси: Сувлар кетди ва томирлар тортишиб қолди. Ажр собит бўлди иншааллоҳ) Баъзи уламолар бу ҳадисни заиф дейишган ва баъзилари ҳасан деганлар.

Ал Бусирий саҳиҳ деган. Саноий заиф деган. Албоний ҳасан деган.

Рўзадор одам дуолари ижобат бўладиган амалларни қилишга ҳарис бўлмоғи лозим. Бу эса Аллоҳу Субҳонаҳу ва Таолонинг буюргани ва қайтарганларини сўз ва амалда бажармоқлик билан бўлади. Бунинг учун Аллоҳу Субҳонаҳу ва Таолога имон келтирмоғи вожибдир. Дуо қилувчи рўзадор учун яна ҳалол таомлар ейиши ва ҳалол ичимликлар ичиши лозимдир.

Эслатма: Рўзадор учун ифторлик пайтида қилу қол (олди қочди) гаплардан ва кечиктрса ҳам фарқ қилмайдиган ишларни рўза пайтида қилишликдан эҳтиёт бўлмоғи лозимдир. Бу қийматли вақтларни ғафлат билан арзонга айлантиришиб юборишга рухсат йўқ.

4. Тур: Муаззинга ижобат қилиш:

Рўзадор учун ифторлик пайтида муаззинга ижобат қилиши мустаҳабдир. Кўп одамлар шу пайтда машғул бўлиб қолишади. Ижобат қилишлик муаззин нима деса, шуни такрорлашлик ва икки шаҳодат калимасидан кейин, (Ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ калимасидан кейин)

«Ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу, Разийту биллоҳи роббан, ва би Муҳаммадин Расулан, ва бил Ислома динан» (деса) гуноҳлари мағфират қилинади.

Ҳоким саҳиҳ деган. Дориқутний ҳасан деган. Албоний ҳасан деган.

(Мазмуни: Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. У Зот ягонадир. Шериғи йўқдир. Ва Муҳаммад унинг бандаси ва Расулидир. Аллоҳни роббим деб, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбарим деб, Исломни диним деб рози бўлдим)

Бошқа бир ривоятда, Ва ана ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу, Разийту биллоҳи роббан, ва бимуҳаммадин расулан, ва бил Ислома динан, дейилган.

(Мазмуни: Мен гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. У Зот ягонадир. Шериғи йўқдир. Ва Муҳаммад унинг бандаси ва Расулидир. Аллоҳни роббим деб, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбарим деб, Исломни диним деб рози бўлдим)

Ҳайя алас салаҳ ва ҳайя алал фалаҳ калималарини эшитганда, Ла ҳавла вало қуввата илло биллоҳ дейди.

Озондан кейинги зикрлар:

1. Пайғамбар алайҳиссаломга саловот айтиш.

Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилинган ҳадис.

Имоми Муслим ривоят қилган.

2. Бу дуони ўқийди.

Аллоҳумма Робба ҳазиҳид даъватит тоооммаҳ, вассалотул қоимаҳ, оти Муҳаммадан ал василата, вал фазилата, вабъасҳу мақоман маҳмуд, аллазий вааттаҳ.

(Мазмуни: Эй Аллоҳим, Бу мукаммал даъватни ва қоим бўлган намозни Робби, Муҳаммад алайҳиссаломга василани ва фазилани бергил. Уни ўзинг ваъда қилган «мақталган мақом» га жўнатгил.)

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадис.

Бухорий ривояти.

«Иннака ло тухлифул миод» (сен ваъдага хилоф қилмайсан) калимасини айтиладими йўқми уламолар ихтилоф қилишган.

(Байҳақий Сунанул Куброда зикр қилган.)

Рўзадор учун куннинг охирида қуръон тиловати, зикр ва дуо учун (бошқа ишлардан) фориғ бўлмоғи лозимдир. Бу нарсa меҳнатсиз ҳосил бўлмайди. Меҳнат қилмасдан бошқа илож йўқ. Чунки, бу вақтлар рўзадор тоат учун ғанимат билмоғи лозим бўлган вақтлардир. Бу вақтларни у бу ерда бефойда мажлисларда ўтказиб юбормаслиги лозим.

Унинг учун жума соатларини ва куннинг охириги соатларида ҳаракат қилмоғи керак. Одамлар ичида шундайлари борки, асрдан кейинги соатда ҳеч қандай ҳожатсиз одатига кўра, уйидан ташқарига чиқади. Қуръон тиловати ва Аллоҳни зикр қилиш каби кўп хайрли амалларни фавт қилади. Муаззин намозга озон айтаётганда у уйига ифтор учун келаётган бўлади. Нафси оғир бўлиб келади. Дуо вақтини зоеъ қилади. Ифторга тайёргарлик вақтини зоеъ қилади.

5. Тур: Ифторни тезлатишнинг ҳикматлари

Уламолар ифторни тезлатишнинг бир қанча ҳикматлари бор деганлар.

1. Кундуз (узунлиги) кечадан зиёда бўлмайди. 2. Бу рўзадор учун яхши бўлади ва унга ибодат қилишига куч қувват беради. 3. Ўтган умматларга ўхшаб қолмаслигини ва Аллоҳнинг мустақим манҳажида бўлишини таъминлайди. Чунки, биз уларга ўхшаб қолмаслика буюрилганмиз. Яхудлар ва шиалар то юлдузлар кўринмагунча рўзани очмайдилар.

3 Одоб: Тилни ортиқча сўзлардан тийишлик

Рўзадор учун тилни ортиқча сўзлардан тийишлик лозимдир. Чунки, тил кўплаб гуноҳларнинг манбасидир. Мўмин кишини тили сабабли ҳалокатга олиб бориши мумкинлигидан огоҳлантирувчи қатор далиллар келган. Рўзадор одам бошқаларга кўра эҳтиёткор бўлишга ҳақлироқдир. Токи рўзаси унинг (гуноҳ) кирларидан покласин.

Қуръондан далиллар:

Улар беҳуда нарсалардан юз ўгиргувчилардир.

(Муъминун сураси 3 оят)

У (инсон) бирор сўз айтмас, магар ҳузурида (ёзиб турувчи фаришта) ҳозир нозир турур.

(Қоф сураси 18 оят)

Ҳадисдан далиллар:

Маоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. у киши айтади: "Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. Бир куни у кишига яқин жойда тонг оттирдим. Ва биз бирга кетаётганда, мен, «Эй, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқлаштирадиган амални хабарини беринг» дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, "сен мендан улуғ нарса ҳақида сўрадинг. Бу нарса омонмас, магарам Аллоҳ осон қилган кимса учун осондир. Аллоҳга ибодат қилурсан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан ва намозни қоим қиласан ва закотни адо қиласан ва Рамазон рўзасини тутасан ва Байтни тавоф қиласан», дедилар.

Сўнгра: «Сени яхшилик эшикларига далолат қилиб (йўллаб) қўяйми? дедилар.

"Рўза (дўзахдан) қалқондир. Садақа худди сув оловни ўчиргандек хатоларни ўчиради. Ва тунда ўқилган намоз дедилар», ва «Уларнинг ёнбошлари ётар жойларидан узоқда бўлур» оятини тиловат қилдилар. Кейин «Сенга ишнинг боши, умуртқа поғонаси ва ўркачининг чўққиси ҳақида хабар берайми?» дедилар. «Ҳа, эй, Аллоҳнинг Расули», дедим. «Ишнинг боши Исломдир. Унинг умуртқа поғонаси намоздир. Ўркачининг чўққиси эса жиҳоддир», дедилар. Кейин, «Сенга ўшаларнинг ҳаммасига эриштирадиган нарсани хабарини берайми?» дедилар. Мен: «Ҳа, беринг ё Набиюллоҳ», дедим. Шунда тилларини тутдилар ва: «Сенга буни тийишлик лозим» дедилар. Мен «Ё Набиюллоҳ, биз гапирган нарсамиз учун, (ҳисобга) олинамизми?» дедим. «Онанг сени йўқотиб қўйсин, эй, Маоз. Одамларни дўзахга юзтубан туширадиган нарса тилларининг маҳсули бўлмаса нима?!» дедилар».

(Имом Термизий сунанида ривоят қилган. 2616 ҳадис.)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. у киши Наби соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилиб айтади: Кишининг ёлғончи бўлишига, эшитган барча нарсасини гапиришлиги кифоя қилади.

(Ҳоким, Байҳақий, Муслим ва Термизий ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган)

Рўзадорнинг рўзаси уни гуноҳлардан тийишига ҳаракат қилмоғи керак. Тилни, ёлғон сўздан, фаҳшдан, беҳуда сўздан, ва қорнини овқат ва сувдан, жинсий аъзоларини яқинлик қилишдан тиймоғи лозим. Агар гапирса, рўзасига шикаст етказмайдиган гапларни гапирмоғи керак. Агар бир иш қилса, фасод бузғунчилик қилмаслиги лозим. Бас яхши сўзлар гапирсин ва яхши солиҳ амаллар қилсин!

Китоб тугади.